

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И**ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
Қўллаб-қувватлаш ва бандлигига
кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя
қилиш ҳамда бўш вақтини
мазмунли ташкил этишга оид қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида**

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик роляда олиши учун қўшимча шароитлар яратиш, бу борада олиб борилган ишларни янги босқичга олиб чиқиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни доимий иш билан банд қилиш, қўшимча даромад олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш бўйича қуйидаги тартиб **жорий қилинсин**, унга мувофиқ:

а) 2021 йил 1 майдан бошлаб:

2023 йил 1 январга қадар иш бевуви чиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган **ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилди**. Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шarti билан **еттинчи ойдан** бошлаб қайтарилди;

"Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **40 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда "Ёшлар дафтари" жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилди**;

"Ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкни ижарага олишда ижара тўловларидан **1-иловага мувофиқ имтиёзлар тақдим этилади**;

б) 2021 йил 1 июндан бошлаб:

"Ёшлар дафтари"га киритилган тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бино ва иншоотларни ижарага олган

ёш тадбиркорларга **бир йиллик ижара харажатларининг 30 фоизи**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача бўлган миқдори **"Ёшлар дафтари" жамғармалари ҳисобидан компенсация қилинади**;

профессионал таълим ташкилотларида тахсил олаётган "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга улар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан **Давлат бюджетидан маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдоридан ҳар ойлик субсидия ажратилади**.

2. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **икки ҳафта** муддатда ўзи, йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандлари ёки эри (хотини) профессионал таълим муассасаларида таълим олиши учун йўналтирилаётган солиқ тўловчининг иш ҳақи ва бошқа даромадлари суммасини жисмоний шахслардан олинадиган **даромад солиғидан озод қилишни** назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгилансинки, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида:

а) 2021 йил 1 июндан бошлаб:

АТ "Халқ банки", АТ "Алоқа банк" ва "Микрокредитбанк" АТБ томонидан **"Бир миллион дастурчи"** лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификат олган ёшларга компьютер (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган) харидлари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **25 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда** истеъмол кредитлари ажратилади. Бунда, истеъмол кредитлари бўйича **фоиз тўловлари** Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан компенсация қилинади;



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И**ТАДБИРКОРЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш
Тизимини такомиллаштириш,
Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш
Бўйича қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида**

Бизнес юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантиришга оид ислохотларни изчил давом эттириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш, уларни зарур молиявий ва инфратузилмавий ресурслар билан таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги қўшимча чоралари **жорий этилсин**:

а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан:

Марказий банк асосий ставкасининг **1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги** фоиз ставкаси билан кичик тадбиркорлик субъектларига миллий валютада бериладиган кредитлар бўйича **фоиз харажатларини қоллаш учун компенсация**, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда, **тақдим этилади**;

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ажратилган тизимда рўйхатга олинган фуқароларга тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг **75 фоизигача**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг **150 бараваридан ортиқ бўлмаган** тижорат банклари кредитлари бўйича **кафиллик берилди**; тадбиркорлик субъектларига банк кредитлари бўйича компенсация ва кафилликлар **кредит шартномалари сонидан қатъи назар берилди**. Бунда, компенсациялар тақдим этилаётган кредитларнинг умумий суммаси **10 млрд сўмдан**, кафилликларнинг умумий суммаси эса **8 млрд сўмдан**, бироқ умумий кредит

суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

б) Экспортни рағбатлантириш агентлиги экспорт қилувчилар томонидан товарлар улар бўйича тўловларни кечиктириб тўлаш шarti билан экспорт қилинганди, уларнинг айланма маблағларини тўлдириш учун **револьвер кредитларини молиялаштиришга** тижорат банкларига **молиявий ресурслар тақдим этиди**. Бунда, ушбу ресурслар ҳисобидан кредитлар тўловлар кечиктирилган муддатга ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар қиймати миқдоридан, бироқ **3 миллион АҚШ доллари** эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда, йиллик **4 фоизли ставка** (шундан, 2 фоизи банк маржаси) билан ажратилади.

2. Яққа тартибдаги тадбиркорлар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллик ва компенсацияларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган кредитларнинг **70 фоизи кичик бизнес лойиҳаларига, 30 фоизи устувор равишда ўзини ўзи банд қилишга** (томорқадан умумий фойдаланиш, уй шароитида хунармандчиликни ва касаначиликни ривожлантириш) йўналтирилсин. Бунда, ажратилган маблағларнинг камида **15 фоизи жойларда, айниқса, шаҳарларда хизмат кўрсатиш соҳасида** кичик лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилади.

4. Қуйидагиларга:

халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига олис ва чекка худудлар-

да жойлашган ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйишда уларнинг бошланғич нарҳини **50 фоизгача камайтириш** ваколати;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашларига ер участкасидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини аукционга қўйишда бошланғич нархга чегирма белгиланганда олис ва чекка худудлар чегараларини белгилаш ваколати берилсин.

5. 2021 йил 1 июндан бошлаб инфратузилмага яқин жойларда, шу жумладан, республика аҳамиятидаги йўлларга туташ бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхат бўйича унумдорлиги паст, фойдаланишда бўлмаган қишлоқ хўжалиги ерларини саноат ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш учун лойиҳа асосида инвесторларга "E-IRO AUKSION" савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали ажратилган рухсат берилсин.

6. **Бош вазир ўринбосарлари Ж.Қўчқоров ва Ш.Ғаниев** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил 15 майга қадар қишлоқ хўжалиги ерларини хатловдан ўтказган ҳолда саноат ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш учун ажратилган унумдорлиги паст, фойдаланишда бўлмаган қишлоқ хўжалиги ерлари рўйхатини шакллантириш ҳамда уларнинг аниқ чегараси ва майдонини кўрсатган ҳолда ҳар бир туман кесимида тасдиқлашни таъминласин.



Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И**ЁШЛАР Саноат ва тадбиркорлик
Зоналари фаолиятини ташкил этиш
ҳамда Ёшларнинг тадбиркорликка
оид ташаббусларини қўллаб-
қувватлаш чора-тадбирлари
тўғрисида**

Ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари, стартап-лоийҳалари ва амалий тадқиқотлари натижалари рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш, ёш тадбиркорлик субъектларининг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг **1-иловага** мувофиқ рўйхатда кўрсатилган худудларда **ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини** (кейинги ўринларда — Ёшлар саноат зоналари) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

2. Ташкил этилаётган Ёшлар саноат зоналарининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаши ва юритишлари учун Ёшлар саноат зоналари худудидида ишлаб чиқариш майдонлари тақдим этиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш;

ёшларга уларнинг саноат ва хизмат кўрсатиш йўналишидаги лойиҳалари, ташаббуслари ва оғялари амалга оширилишида кўмаклашиш ва қўлай шарт-шароитлар яратиш;

"стартаплар" ташкил этиш мақсадида бизнес-инкубатор вазифаларини амалга ошириш, ёш тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини барқарор ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш;



Давоми 2-бетда

ИНСОНИАТ ҚўШИҒИ

**Оқил САЛИМОВ,
академик**

Инсоният яралибдики ҳаёт ҳақида, ҳаёт бешиги — она ҳақида энг азиз, энг жозибали сўз айтгиси келади. Ваҳоланки, сўзнинг ҳам, ҳаётнинг ҳам, турмуш завқи, сурури ҳам онадан бошланади.

ОНА СИМФОНИЯСИ

Айтишларича, файласуфлардан бири қалбининг туб-тубидан ситилиб чиқадиган ҳиссиётлари, илтижолари, таваллолари изҳорини "Аллоҳ ҳақида Сўз" дея атаган экан. Сўз нима? Одам сўзини қандай ўрганади? Бир парчагина сўзсиз тил қандай қилиб сўзини ифодалайди? Сўзнинг ўзи аслида она қалбининг қат-қатидан, минг бир ҳужайрасидан ситилиб чиққан нидо эмасми? Бу каби саволлар кўп. Назаримизда жавоб битта: Сўзнинг буюк ижодкори — Она. Шу боис, сўз — ҳаёт аввали. Мурғаккина бола илк бора она бағрида, унинг қалб тўлғониларида, меҳр ва умид изҳоридида сўз эшитилади. Демак, она борлиқнинг мўъжизаси, буюк ва бетакор қудрати, бебаҳо неъматиди. Шундай экан, бу рангин олам, бу сержилло дунё она туфайли гўзал, мазмундор, мафтундор.

Борлик маҳобатли, чексиз-чегарасиз мажмуа. Унда фалсафа, тафаккур, ранг, оҳанг, муסיқа бор. Фақат уни англаш, ҳис қилиш лозим. Бунинг учун эса уни бутун бўлиги ва салмоғи билан идрок эта оладиган қалб керак бўлади. Ана шу қалбни, бебаҳо гавҳарини, инсон моҳи-

ятини ўзида мужассам этган олмосни она ҳада этиди.

Дунё ўзгаряпти, маънавий-ахлоқий таназзул Ер шарини қамраб олмоқда. Инсоният қалби хувиллаб қоляпти. Бу сайёравий фоҳиҳадан изтироб чеккан БМТ Бош котиби Антонио Гуттереш "XXI асрнинг буюк фоҳиҳаси шунданки, инсоният қадриятлардан узоклашмоқда", деган эди. Инсон кўп ҳолларда робот шаклидаги ҳиссиз, туйғусиз, қалби хувиллаган тирик мавжудотга айланмоқда. Бу бизни дунёга келтирган, бу ёруғ оламни яшатиш, яшартириш, ҳаёт деган гоят жозибадор ва гўзал имконият мазмунини бойитишни орзу қилган онани унуттишга олиб келмоқда. Ваҳоланки, она буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиролар, бетакор гўзалликлар, ҳайратомуз нафосат ижодкорларини дунёга келтиради. У инсонийликни асраш, ривожлантириш, камолатга етказиш орқали кишилик ҳаётининг буюк халоскори эканини унутмоқдамиз.



Давоми 4-бетда

ХОТИРА БОР ЭКАН — МИЛЛАТ БАРҲАЁТ

**ТАРИХ САҲИФАЛАРИГА БИТИЛГАН
МАРДЛИК ВА МАТОНАТ**

ёш авлодни аждодлар жасоратига садоқат руҳида тарбиялашга ундайди

Инсон учун энг буюк неъмат тинчлик-осойишталик ва соғлиқ-саломатликдир. Зеро, тинчлигини йўқотган хонадон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўла олмайди. Фаровонлик, тараққиётнинг гарови ҳам тинчлик-хотиржамлик.

Биз азал-азалдан тинчликсевар халқимиз. Айнан шу гоя тарғиботиға бағишланган буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг бариди тинчликнинг қадриға етиш тарғиб этилади, уруш эса қорланганди.

9 майни Хотира ва қадрлаш куни тарзида умум-халқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад мужассам.

Таъкидлаш жоизки, Иккинчи жаҳон урушида юртимиздан 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилган. 158 мингдан кўпроқ ҳамюртимиз урушда бедарак кетди, 538 мингдан зиёд ватандошимиз эса қонли жангларда ҳалок бўлди.



Давоми 5-бетда



Давоми 5-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА БАНДЛИГИГА КўМАКЛАШИШ, УЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҲАМДА БўШ ВАҚТИНИ МАЗМУНЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ОИД ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Бошланиш 1-бетда

“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг **хорижий тиллар ва умумтаълим фанлари** бўйича нодавлат таълим ташкилотларида ўқиш **ҳаражатларининг 50 фоизи**, бироқ умумий ҳисобда базавий ҳисоблаш миқдорининг **5 бараваригача** бўлган миқдори ҳамда улар бўйича миллий сертификатлар олиш учун ўтказиладиган **имтиҳонларни топшириш харажатлари** Ёшлар ишлари агентлигига **Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан** компенсация қилинади;

“Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг **ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажатлари базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баравари миқдоригача ва сафарбарлик чакривуви резерви хизмати бадалари** Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар **ҳисобидан қопланади**;

хусусий корхона ва ташкилотларга ишга қабул қилинган ҳамда фаолият бошлаганига **олти ойдан** ошмаган “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни **қайта тайёрлов курсларида ўқитиш билан боғлиқ бўлган харажатларининг** базавий ҳисоблаш миқдорининг **4 бараваригача** бўлган қисми мазкур хусусий корхона ва ташкилотларга Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига ажратилган маблағлар **ҳисобидан компенсация қилинади**;

б) **2021 йил 1 майдан** бошлаб ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг **60 фоизига** улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловининг **50 фоизи** Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилади. Бунда:

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми Тошкент шаҳрида — базавий ҳисоблаш миқдорининг **1 баравари**, қолган ҳудудларда — базавий ҳисоблаш миқдорининг **0,5 бараваридан** ошмаслиги лозим;

ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми биринчи навбатда эҳтиёжманд оила фарзандлари, ўрнатилган қўриққа ва саол талабалар учун қоплаб берилади;

олий таълим муассасалари томонидан уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган бошқа талабаларга ҳам ойлик ижара тўловининг бир қисми қоплаб берилиши мумкин.

4. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.М.Ҳаджибаев) ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги (И.И.Норқуллов) билан биргаликда:

тиббиёт муассасаларидаги самарасиз ҳамда кўп йиллардан буён фойдаланилмаётган лавозимлар ўрнига ўрта тиббиёт ходимларидан иборат бўлган “тиббиёт бригадалари”ни ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ходимлар фаолиятини кенгайтириш учун **20 мингта қўшимча штат** бирикларини ажратсин; **бир ой** мuddатда тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини Вазирлар Маъжмасига киритсин.

5. АТ “Халқ банки”нинг ҳудудларда хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларни бизнесга тайёрлаш, маслаҳат бериш ва бандлигини таъминлаш мақсадида “**Юз минг тадбиркор хотин-қизлар**” лойиҳасини амалга ошириш

ҳамда лойиҳа доирасида қуйидагилар тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин:

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, иқтисослашуви ва бошқа хусусиятларини инобатга олиб, қиймати 33 миллион сўмгача бўлган **тайёр бизнес-режалар банкини** яратиш;

ўттиз ёшгача бўлган хотин-қизларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда, мос йўналишлар бўйича (ошпазлик, қандолатчилик, сартарошлик ва бошқалар) малакали мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари ва ўқув тренинглари ташкил этиш.

6. Ёшлар ишлари агентлигида юридик шахс мақомига эга бўлмаган **Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси** ташкил этилсин ва унинг даромадларини шакллантириш мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар; Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари ҳузурдаги корхона, муассаса ва ташкилотлар иштирокида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойданинг бир қисми;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига жойлаштиришдан олинган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Вазирлар Маъжмаси икки ҳафта мuddатда Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқласин.

7. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) 2021 йилда: мазкур Фармонда ёшлар бандлигига кўмаклашиш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Ёшлар ишлари агентлигига Давлат бюджетидан қўшимча равишда **100 миллиард сўм**; олий таълим муассасалари талабалари турар жой ойлик ижара тўловининг бир қисмини қоплаш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда тасарруфда олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идораларнинг ҳисоб-китобларига мувофиқ Давлат бюджетидан қўшимча равишда маблағлар ажратсин ҳамда келгуси йил бюджет параметрларини шакллантиришда ушбу харажатларни назарда тутсин.

8. Белгилансинки, **2021 йил 1 майдан бошлаб**: деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларни сектор, кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан **патронажга олиш тизими** жорий қилинади. Бунда, сектор, кластер ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан **“устоз-шоғирд” тамоийли** асосида ёшларга ажратилган ер участкаларини ўзлаштириш, агротехник тадбирларни ўтказиш, ерлар ҳосилдорлигини ошириш, етиштирилган маҳсулотни реализация қилиш ва бошқа масалаларда ёрдам кўрсатилади;

“Ёшлар дафтари”га киритилган деҳқон хўжалиги фаолияти билан шуғулланаётган ёшларга “Ёшлар дафтари”, “Темир дафтар” ҳамда “Аёллар дафтари” жамғармалари ҳисобидан уруғликлар ва кўчатларни харид қилиш учун **базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баравари миқдоригача** субсидия ажратилади.

Вазирлар Маъжмаси (Ш.М.Ғаниев), Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқар эгалари кенгаши (А.А.Хаитов) **бир ҳафта мuddатда**

уруғликлар ва кўчатларни харид қилиш учун субсидия олишга эҳтиёжи бор ёшларнинг рўйхатини шакллантирсин ва уларга субсидия ажратиш чораларини кўрсин.

9. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М.Садиков) билан биргаликда **икки ой мuddатда** Давлат бюджетидан тўланадиган субсидиялар, компенсациялар ва бошқа имтиёزلарни ажратишининг ошқоралигини таъминлаш, мазкур жараёнда бюрократия ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш, фукосаролага юзага келган муаммолар тўғрисида бевосита масъул мансабдор шахсларга хабар бериш имкониятини яратиш мақсадида **махсус элекрон платформани** ишлаб чиқсин ҳамда унинг лозим даражада ва узлуқсиз ишлаши учун зарур чораларни кўрсин.

10. Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) **2021 йил 1 июндан** бошлаб ёшларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқиши ва китобларини оширишга оид **сифатли кўрсатув** ва билблар яратишни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

мустақил баҳоловчи ташкилотлар томонидан рейтинг юқори деб бəҳоланган республика миқёсидаги 3 та телеканалдан томошабинлар учун қўлай бўлган пайтнинг инобатга олиб, **эфир вақтини сотиб олиш**;

бизнес юритиш ва унда муваффақиятга эришиш йўллари бўйича **сифатли видеомаҳсулотларнинг** шартнома асосида тайёрланишини таъминлаш ҳамда уларни сотиб олинган **эфир вақтида намойиш этиш**;

ёшларга амалий қўлланма сифатида фойдаланиш учун бизнес юритиш ва унда муваффақиятга эришиш йўллари, тадбиркорлик фаолияти давомида яхши натижаларга эришиш йўлидаги ютуқ ва хавф-хатарлар ҳақида **оммабоп китобларни нашр этишни** ташкил қилсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган тадбирлар Ёшлар ишлари агентлигига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) **“Ўзбекистон учун 100 та ғоя”** лойиҳасини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда лойиҳа доирасида Ёшлар ишлари агентлиги маблағлари ҳисобидан “Ўзбекистон Республикаси Президентининг бешта ташаббус лойиҳа офиси” нодавлат нотижорат ташкилотига — биринчи босқичда 1 миллиард сўм маблағларни икки ҳафта мuddатда, кейинги босқичларда лойиҳанинг смета ҳужжатларига кўра, бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб молиялаштириш чораларини кўрсин.

12. **2021 йил 1 июндан** бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) давлат олий таълим муассасаларига **10 тагача маҳалла фуқаролар йиғинлари бириктирилади**;

б) давлат олий таълим муассасалари ректорлари томонидан:

бириктирилган маҳалла фуқаролар йиғинларида яшайдиган уюлмаган ёшларнинг маънавий дунёқарабини шакллантириш, шу жумладан, уларни хорижий тиллар, компьютер саводхонлиги, спорт, маданият ва китобхонлик тўғрақларига жалб қилиш чоралари кўрилади;

талабалар ётоқхоналарида, маданият марказларида ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ёшлар билан мунтазам равишда учрашувлар ташкил этиш, очиқ давра суҳбатлари ва маданий тадбир-

лар ўтказиш амалиёти жорий қилинади.

13. Қуйидагилар: Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б.Воитов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги (А.М.Бобоев) билан биргаликда **бир ой мuddатда** республиканинг барча туман (шаҳар)ларига **Ёшлар саноят ва тадбиркорлик зоналарини** ташкил қилишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини;

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) икки ой мuddатда мазкур Фармондан келиб чиқиб, 2021 йилда Давлат бюджетининг қўшимча харажатларини ҳамда даромад йўқотишларини қоплаш мақсадида мос миқдорда Давлат бюджети харажатларини мақбуллаштириш ва қўшимча даромадлар манбалари бўйича аниқ тақлифларни белгиланган тартибда Вазирлар Маъжмасига киритсин.

14. Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х.Шерматов), Туризм ва спорт вазирлиги (А.А.Абдухакимов) ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларида “Барқамол авлод” **болалар мактабларининг тармок филиалларини** ташкил этиш, марказларда замонавий тўғаракларни очиш, уларни зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда умумий ўрта таълим муассасаларининг спорт заллари ва майдонларида тўғараклар очиш;

ёзги таътил даврида ёшлар ўртасида маҳаллалар, секторлар ва туманлар миқёсида спорт ҳамда харбий ватанпарварлик мусобақаларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган тадбирлар маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

15. 2021 йилнинг якунига қадар Қашқадарё вилоятида эксперимент тарихисида маданият ва санъат соҳаси вакиллари ҳамда мусиқа фани ўқитувчиларига қуйидагиларни назарда тутган ҳолда **уй шароитида ёшлар учун мусиқа тўғаракларини ташкил этишга** ружсат берилсин:

ушбу тўғаракларни ташкил этган шахслар маданият марказлари томонидан нота, мусиқага оид адабиётлар билан таъминланади ҳамда уларга ташкилий ва услубий жиҳатдан ёрдам кўрсатилади;

тўғаракларда таълим олганлик учун тўлов маҳаллий бюджет маблағлари ва ўқувчилар томонидан тўланади.

Бунда, тўғараклар ташкил этган шахсларнинг иши ҳақи тўловлари маданият марказлари учун белгиланган миқдорлардаги бадал тўловлари ва етмаган қисмида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан тўлаб берилади.

Маданият вазирлиги (О.А. Назарбеков) Қашқадарё вилояти ҳокимлиги (З.Т. Мирзаев) билан биргаликда ушбу тажрибанинг Қашқадарё вилоятида амалга оширилишини ташкил этсин ҳамда унинг

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 20 апрель

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БўЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Бошланиш 1-бетда

7. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд шаҳарлари, Урганч ва Ўзғиргон туманларида замонавий **савдо ва саноят ҳудудларини** ташкил этиш, уларда савдо-ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва сотиш учун инфратузилма мавжуд бўлган **камида 20 гектар** майдондан ер участкаларини тадбиркорлик субъектларига аукцион орқали (шу жумладан, тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан ҳамда аукционни ягона иштирокчи билан ўтказишга ружсат берган ҳолда) ажратиш бўйича Вазирлар Маъжмасига тақлифлар киритсин.

Бунда, савдо ва саноят ҳудудларини ташкил этишининг асосий шарти биноларнинг биринчи қаватида савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, юқори қаватларида ишлаб чиқариш объектларини жойлаштириш ҳисобланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари 2021-2022 йиллар давомида **камида 500** та маҳалла фуқаро йиғинларининг эски биноларини давлат-хусусий шериклик асосида замонавий кўринишда қайта қуриш бўйича тадбиркорлик субъектлари билан келишувга эришилишини таъминласин.

Бунда, 1 қаватли бино ўрнига 2-3 қаватли бино қурилиши, унинг 2 ва 3-қаватларида кичик ишлаб чиқариш, савдо ва майший хизмат кўрсатиш объектлари, ишсиз хотин-қизлар ва ёшларни касб-хунарга ўқитиш марказларини ташкил қилиш учун

текин фойдаланиш асосида 30 йилга тадбиркорлик субъектининг иштирокида қолдирилишини назарда тутсин.

9. Белгилансинки, **2021 йил 1 июндан бошлаб**:

уч йилдан ортиқ вақтдан буён фаолият кўрсатётган ҳамда ҳисобланган солиқларни мuddатда тўлаб келган, лекин молиявий аҳволига кўра солиқ қарзини тўлаш имкониятига эга бўлмаётган тадбиркорлик субъектларига **солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш**;

уч йилдан ортиқ вақтдан буён товарларни импорт қилиш билан шуғулланаётган, божхона тўловлари бўйича мажбуриятларини бажариб келган, лекин молиявий аҳволига кўра тўловларни белгиланган мuddатда тўлаш имкониятига эга бўлмаётган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига **божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи** бериледи.

Бунда, ушбу тартиб бўйича **гаровсиз бўлиб-бўлиб** тўланадиган солиқ ёки тўловлар суммаси тадбиркорлик субъекти томонидан охири уч йил давомида тўланган солиқ ёки божхона тўловлари суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда бир ой мuddатда мазкур банддан келиб чиққан ҳолда солиқлар ҳамда божхона тўловларини бўлиб-бўлиб тўлашнинг вақтинчалик тартибини тасдиқласин.

10. **2021 йил 1 майдан бошлаб** чет элдан хорижий валютадаги тушум тушиши кеңичирилишига йўл қўйган **экспорт кўлинувчилар** ва “эркин муомалага чиқариш” божхона режимида товарларни республикага олиб кириш ва расмийлаштириши, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатишини ўз

вақтида таъминламаган **импорт қилувчилар** учун қонунчиликда белгиланган жарима миқдорлари **икки бараварга камайтирилсин**.

2021 йил 1 май ҳолатига шаклланган ташқи савдо операциялари бўйича мuddати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхталсин ва дебитор қарздорлик вужудга келиш мuddатлари 2021 йил 1 майдан бошлаб янгидан ҳисоблансин.

11. Белгилансинки, 2021 йил 1 октябрдан бошлаб **ижро ишини юритиш доирасида** қарздордан ундирилган **пул суммалари** ижро ҳужжатлари бўйича барча талабларни қаноатлантириш учун етарли бўлмаган тақдирда, бюджетта **тўловлар бўйича талаблар**, кредиторларнинг қарздор мол-мулки билан таъминланмаган талаблари, шу жумладан, қарздорнинг мажбуриятлари бажарилишининг таъминоти сифатида турган мол-мулкни реализация қилишдан тушган сумма етарли бўлмаганлиги туфайли қаноатлантирилмаган талаблари **бир навбатда (тўртинчи навбатда) қаноатлантирилади**.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Вазирлар Маъжмаси ва манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда мазкур банддан келиб чиқадиган ўзгартришларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилишини таъминласин.

12. Вазирлар Маъжмасининг Тошкент шаҳрида инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан эксперимент ўтказилишини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳи фаолиятини тугатиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Инвесторга ер участкасини дастлабки захиралав тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори

қабул қилинмаган инвестиция лойиҳалари бўйича Ишчи гуруҳ қарорлари бекор қилинсин.

13. Қурилиш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Автомобиль йўллари қўмитаси **уч ой мuddатда** транспорт мақсадларига мўлжалланган ерлар, сув объектлари, гидротехника иншоотлари, магистрал қувурлар, электр тармоқлари объектларининг муҳофаза зонаси чегараларини белгилаш параметрларини уларнинг мақбуллаштирилишини назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқсин ва Вазирлар Маъжмасига тақлиф киритсин.

14. Кадастр агентлиги **2021 йил 1 сентябрга қадар** жисмоний ва юридик шахсларга “YERELEKTRON” автоматлаштирилган ахборот тизимига ер участкаси ва режалаштирилётган қурилиш объекти тўғрисидаги маълумотларни кейинчилик уларни электрон онлайн-аукционга қўйиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун жойлаштириш бўйича тақлифларни киритиш, шунингдек, ер участкасини танлаш материалларини келишиш жараёнини кузатиш имконини беришчи **мобиль илова ишга туширилишини таъминласин**.

15. Қурилиш вазирлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **бир ой мuddатда** кўп қаватли уйларнинг ертўлопаридан тадбиркорлик

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 21 апрель

Ш. МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

**ЁШЛАР САНОАТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ЗОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ҲАМДА ЁШЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИККА ОИД ТАШАББУСЛАРИНИ
Қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Бошланғич 1-бетда

таъминотчи ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;
б) Ёшлар саноат зоналари муҳандислик-техник коммуникациялари мавжуд бўлган ёки ўтказиш осон бўлган, фаолият қўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланмаган ер майдонларида ташкил этилади;
в) Ёшлар саноат зоналарига жойлаштириш учун инвестиция лойиҳалари туман (шаҳар) ҳокимлари раҳбарлигида тузилган ишчи гуруҳлари томонидан танлаб олинади;
г) Ёшлар саноат зоналари ҳудудида майдони 1000 м² гача бўлган ер участкалари, истисно тариқасида, электрон аукцион савдоси ўтказмасдан, ҳалқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарори билан ажратилади. Бунда, бўш бино ва иншоотлар (давлат кўчмас мулк объектлари) шартнома асосида ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан давлат кўчмас мулкдан фойдаланганлик учун белгиланадиган ижара тўловининг энг кам миқдоридан ошмаган ставкаларида ижарага берилади;
д) патент асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни таъминловчи стартап-инвестиция лойиҳалари, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари, шунингдек, импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда яратиладиган янги иш ўринларининг камида 70 фоизи ёшлар учун мўлжалланган, шу жумладан, бандлиги таъминланмаган "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни иш билан таъминлаш назарда тутилган инвестиция лойиҳалари Ёшлар саноат зоналари ҳудудида жойлаштирилишида устуворликка эга бўлади;
е) Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида: молиявий ресурслар тижорат банклари томонидан бир ёш тадбиркорлик субъекти учун бир йўла 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда 7 йилгача муддат билан тақдим этилади;
қиймати 100 минг АҚШ доллари эквивалентига бўлган инвестиция лойиҳалари Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, ундан ошган қисми эса ушбу қарорда назарда тутилган имтиёзларсиз, тижорат банклари орқали умумий тартибда тақдим этилади;
тижорат банкларига инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун молиявий ресурслар Жамғарманиннг мавжуд маблағлари доирасида, миллий валютадаги кредитлар бўйича

йиллик 10 фоиз, хорижий валютадаги кредитлар бўйича йиллик 2 фоиз ставкалари билан тақдим этилади;
тижорат банклари миллий валютадаги кредитларини ўз маржаси миқдорини 4 фоиздан оширмасдан йиллик 14 фоиз, хорижий валютадаги кредитларини — ўз маржаси миқдорини 1 фоиздан оширмасдан йиллик фоиз ставкасини 3 фоиз миқдоридан белгиланган ҳолда ажратади;
тижорат банклари ажратилган молиявий ресурсларнинг мақсадли фойдаланилиши ва тўлиқ қайтарилишини доимий мониторинг қилиб боради;
ж) Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун бинолар қуриш мақсадларига молиявий ресурслар Жамғарманиннг молиявий кўрсаткичлари ва унинг ресурс базасидан келиб чиққан ҳолда берилди, шу жумладан:
Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига ёш тадбиркорлик субъектлари учун бино қуришга бериладиган молиявий ресурслар миллий валютада йиллик 10 фоиз ставкаси миқдоридан белгиланган ҳолда тақдим қилинади;
тижорат банклари томонидан ёш тадбиркорлик субъектларига биноларни лизинг асосида бериш миллий валютада йиллик 14 фоиз ставкасини қўллаган ҳолда амалга оширилади;
Бунда, ёш тадбиркорлик субъекти бошланғич тўлов сифатида лизингга бериладиган бино қийматининг 10 фоизини ташкил қилувчи қисмини тўлайди.
10. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 31 декабрга қадар Ёшлар саноат зоналари ҳудудида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг таъминоти билан боғлиқ қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилади:
а) Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача миқдоридан, бироқ 500 млн сўмдан ошмаган миқдорда кафиликлар беради;
б) устав фонди (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан зиёд бўлган суғурта ташкилотлари тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредитларнинг 50 фоизигача миқдоридан, бироқ 500 млн сўмдан ошмаган миқдорда, йиллик 2 фоиз ставкасида суғурта полисини тақдим этади.
Ушбу бандда назарда тутилган тартиб солиқлар ҳамда олдинги тузилган кредит шартномалари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги мавжуд бўлган ёш тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилмайди.
11. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси

ҳамда Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.
12. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда ёш тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, амалга оширишни молиялаштиришни ташкиллаштириш ва ер майдонларини ажратиш жараёнларининг автоматлаштирилиши таъминлаш мақсадида тегишли веб-сайт ишлаб чиқирилиши ва жорий этилишини таъминласин.
13. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ёшлар саноат зоналарини ташкил қилиш, ривожлантириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгилансин, унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига жойларда Ёшлар саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш вазифаси юклатилсин.
14. Қуйидагилар:
Бош вазирнинг ўринбосари С.У.Умурзақовга — вазирликлар, идоралар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг Ёшлар саноат зоналари ривожланиши ва самарали фаолият юритиши, шунингдек, уларнинг ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш ҳамда Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ жараёнларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазирли, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг инвестициялар ва ташқи савдо масалалари бўйича ўринбосарларига — ишчи гуруҳлари томонидан Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш учун инвестиция бурютманомаларининг ўз вақтида қўриб чиқирилиши, ёш тадбиркорлик субъектларига ер майдонлари ва бўш бинолар ўз вақтида ажратилишини таъминлаш ҳамда инвестиция лойиҳаларини Ёшлар саноат зоналари ҳудудида жойлаштириш бўйича қарорларни ўз вақтида қабул қилиш;
энергетика вазирли А.С.Султановга, уй-жай коммунал хизмат кўрсатиш вазирли

Ш.С.Хидоятовага, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирли Ш.М.Садиковга, транспорт вазирли И.Р.Маҳкамовга — Ёшлар саноат зоналари ҳудудидаги инвестиция лойиҳаларининг объектлари фойдаланишга топширилгунга қадар зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларига ула-нишини ҳамда мавжуд ресурс ва техник имкони-ятлардан келиб чиқиб, уларга талаб этилади-ган ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш;
иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирли ўринбосари А.М.Бобоевга — Манзилли дастурда белгиланган маблағлар-нинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда ажратилиши устидан назорат қилиш юзасидан шахсий жа-вобгарлик юклатилсин.
15. Инвестициялар ва ташқи савдо вазир-лиги ҳар чорақда Ёшлар саноат зоналарини ташкил қилиш ҳамда Жамғарма маблағлари-дан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорли-ги тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритсин.
16. Вазирлар Маҳкамаси ҳар чорақда ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари бўйича амалга оширилган ишларни Вазирлар Маҳкамаси Раё-сати мажлисларида танқидий муҳокама қилин-ган ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тад-бирлар юзасидан масъул вазирлик ва идора-лар раҳбарларига нисбатан тегишли чораларни қўрсин.
17. Инвестициялар ва ташқи савдо вазир-лиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳўж-жатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўз-гартариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
18. Мазкур қарор ижросини самарали таш-кил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг би-ринчи ўринбосари А.Б.Воитов белгилансин.
Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини му-вофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У.Умурзақов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2021 йил 21 апрель
Ш. МИРЗИЁЕВ

МУНОСАБАТ

**ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ Қўллаб-қувватлашни КЕНГАЙТИРИШ ВА
БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ МЕХАНИЗМИ ЯРАТИЛАДИ**

Башорат ЮНУСОВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

Ёшларга бу даражада эътибор ва рағбат, имконият ва имтиёз мамлакатимиз тарихида кузатилмаган, десак муболага эмас. Зеро, бутун давлатимиз раҳбари эътибори билан ёшларнинг билими, иқтидори, салоҳияти, ташаббус ва ғоялари қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, бандлиги ва тадбиркорлигига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.



носиб ҳисса қўшадилар", деган эди. 2021 йилнинг "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб номлангани ҳамда шу асосда давлат дастури қабул қилиниши ҳам юртимизда ёшларга бўлган эътиборнинг қай даражада юксак эканини намёнэ этади. Давлатимиз раҳбари жорий йил бошидан буён ёшлар масалалари бўйича 3 марта йиғилиш ўтказди. Бу йиғилишларда ёшлар ҳаётига доир муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, қизиқишлари, интилишларини қўллаб-қувватлаш юзасидан

қатор топшириқлар берилган эди. Мана шу йиғилишларда кўтарилган масалалар, аниқ вазифаларнинг ҳуқуқий асослари Президентимиз кунги кеча имзолаган икки тарихий ҳужжат — "Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашши, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармон ҳамда "Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорда ўз аксини топди.

Мазкур ҳужжатлар билан соҳада янги механизмлар жорий этилмоқда. Тез кунларда мамлакатимизнинг 200 та туман ва шаҳрида 219 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ташкил этилади.

Таҳлилларга кўра, республикамиз бўйича 648 минг ишсиз йигит-қиз "Ёшлар дафтари"га киритилган бўлиб, биринчи чорақда уларнинг 283 минг нафари бандлиги таъминланган. Хусусан, 175 минг ёшга 45 минг гектар ер майдони ажратилган.

Фармонга кўра, эндиликда ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш янада кенгайтириш ва бандлигини таъминлаш бўйича янги механизмлар жорий этилади.

**ФАРМОНДА 40 ГА ЯҚИН
МАСАЛА КўТАРИЛГАН**

Акмал АЛИМОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги марказий аппарати бўлим бошлиғи:

— Бу масалаларнинг барчаси ёшларга яратилаётган шароит ва имконият, берилаётган имтиёз демакдир. Ёшларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун жой ёки иш қўроли бўлмаслиғи мумкин. Баъзан деҳқончилик билан шугулланмоқчи бўлган ёшларнинг уруғ сотиб олиш учун маблағи етмайди. Фармон билан бу муаммолар ўз ечимини топтомоқда.

Яъни 2021 йил 1 июндан бошлаб "Ёшлар дафтари"га киритилган, деҳқон ҳўжалиги фаолияти билан шугулланаётган ёшларга уруғлик ва кўчат харид қилиши учун 2 миллион сўмгача субсидия берилди. Тадбиркорлик қилиш учун бино ва иншоотларни ижарага олган ёшларга йиллик ижара харажатларининг 30 фоизи, бироқ 6,1 миллион сўмгача бўлган қисми компенсация қилинади.

Фармонга биноан, 2021 йил 1 майдан 2023 йил 1 январга қадар иш берувчиларга 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланадиган ижтимоий солиқ суммаси давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилди. Бунда солиқ суммаси ёшлар олти ой давомида узлуқсиз ишлаганда еттинчи ойдан бошлаб қайтарилади. Мазкур тартибни жорий этиш ҳисобига 2021 йилда 346,4 минг нафар ёш ишга қабул қилиш ва тадбиркорларга 253 миллиард сўмдан ортиқ солиқ суммасини қайтариш режалаштирилган.

Фармонга кўра, ўзи, 26 ёшгача бўлган фарзандлари ёки турмуш ўртоғининг профессионал таълим муассасасида ўқиши учун йўналтирилган тўлов-контракт суммаси даромад солиғидан озод этилади. Айни кунгача ҳам олий таълим муассасаларида бу амалиёт бор эди, бироқ профессионал таълим муассасаларида мавжуд эмасди. Бу мазкур таълим масканларида ўқиётган талабалар ва уларнинг ота-оналарига катта ёрдам бўлади. Боиси, шу кунгача бундай тартибдаги тўловларни тўлашда ҳеч қандай имтиёз бўлмаган.

**ТАЛАБАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ
НАЗОРАТГА ОЛИНАДИ,
МУАММОЛАРИ ҲАЛ БўЛАДИ**

Сардорбек УСМОНОВ,
олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси — матбуот котиби:

— Талабаларни турар жой масаласи ҳар доим қийнаб келган. Ниҳоят давлатимиз раҳбарининг ёшларга бўлган эътибори доирасида шу муаммо ҳам ўз ечимини топадиган бўлди.

Шу кунларда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган ёшларнинг 58 минг нафари ётоқхоналарда яшайди, 102,4 минг нафари эса ижарада туради. Фармон билан 2025 йилгача 92,5 минг талабаниннг ётоқхона билан таъминлиниши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, 2021 йил 1 майдан эътиборан ётоқхона билан таъминланмаган талабаларнинг 60 фоизига ҳар ойда ижара тўловининг 50 фоизи давлат бюджетидан қоплаб берилди. Бу Тошкент шаҳрида 245 минг сўмга тўғри келса, қолган ҳудудларда 122 минг сўмдан ошмайди.

Бундан ташқари, ҳар бир олий таълим муассасаси ўз талабасининг қайси манзилда яшаётганини аниқлаб бориш учун реестр тузади. Бу орқали талабаларнинг хавфсизлиги назоратга олинади, муаммолари ҳал бўлади.

Энди мутасаддилар ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятларни янада кенгайтириш ва бандлигини таъминлаш бўйича ишларни янги механизм асосида ташкил қилади. Бу тизимда ҳалққа ҳам, ташкилотларга ҳам маъкул бўладиган бир қанча имтиёзлар белгиланган.

Шу билан бирга, қарор билан бир қанча имконият ва имтиёзлар берилдики, унга кўра, ёшлар саноат зоналарида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари муайян тартибда молиялаштирилади.

Юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик бўйича ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, нуносиб даромад олиши учун қўшимча шарт-шароит яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур ҳужжатлар бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.



ИНСОНИЯТ ҚЎШИҒИ

Бошланиши 1-бетда

ОНА СИМФОНИЯСИ

Борлиқ маҳобатли, чексиз-чегарасиз мажмуа. Унда фалсафа, тафаккур, ранг, оҳанг, мусиқа бор. Фақат уни англаш, ҳис қилиш лозим. Бунинг учун эса уни бутун борлиғи ва салмоғи билан идрок эта оладиган қалб керак бўлади. Ана шу қалбни, бебаҳо гавҳарни, инсон моҳиятини ўзида мужассам этган оломсони она ҳаётга этади.

Дунё ўзгаряпти, маънавий-ахлоқий таназул Ер шарини қамраб олмоқда. Инсоният қалби хувиллаб қоляпти. Бу сайёравий фожиадан изтироб чеккан БМТ Бош қотиби Антонио Гуттериш "XXI асрнинг буюк фожиаси шундаки, инсоният қадриятлардан узоқлашмоқда", деган эди. Инсон қўл қолларда робот шаклидаги ҳиссиз, туйғусиз, қалби хувиллаган тирок мавжудотга айланмоқда. Бу бизни дунёга келтирган, бу ёруғ оламни яшатиш, яшартириш, ҳаёт деган гоят жозибадор ва гўзал имконият мазмунини бойитишни орзу қилган она-ни унуттишга олиб келмоқда. Ваҳоланки, она буюк кашфиётлар, оламшумул ихтиролар, бетакрор гўзалликлар, ҳайратомуз нафосат ишждорларини дунёга келтиради. У инсонийликни асраш, ривожлантириш, камолотга етказиш орқали кишилик ҳаётининг буюк халоскори эканини унутмоқдамиз.

"Таъмирланган", "суъий тарбияланган" инсонни вужудга келтиришдек нобокор гоя инсониятни азалий ва абадий қадриятларидан узоқлаштирмоқда. Бу инсон табиатидаги, умуман инсоният руҳиятидаги оғир ўпирилишларга сабаб бўляпти. Бу хавфли, хатарли жараёндан бизни асрайдиган ягона кудрат — Она. Биз меҳрдан узоқлашмаял-миз, муҳаббатни чўпчанка айлантирялмаймиз. Уларнинг барчасини асрагувчиси ва халоскори Она, деган қадриятдан узоқлашмаялмиз.

Онанинг ҳаётга мазмун киритадиган, унинг моҳиятини бойитадиган кудрати ҳақида ўйлар эканман, болалигимни эслайман. Онам оддийгина аёл эди. Бироқ чанқовуз чалишини, куй оҳангидан роҳатланиб, тўлқинланиб туришини кўп кўрганман. Бу сирли оҳангни вужудим билан эшитар эдим. Чанқовузнинг бироз ҳазин ва бўғиқ садосидан ўзим билмаган ҳолда алланечук бўлиб кетардим. Бу синаотли тўлқинларда ҳаёт надишаси, онанинг зоҳиран оғир-босиқ, тинч-осуда, аммо ботинан денгиздай қалб пўртаналари бор эди. Ифодалаб бўлмас кечинмалар оғушида онамга катта ҳайрат ва ҳаяжон билан қарардим. Эҳтимолки санъатга, адабиётга иштиёқим ана шу лаҳзаларда турилган эди.

Онанинг болалигимда айтган аллалари ҳамон қўлоғим остида жаранглайди. Бироз маъёус, аммо умидвор, баъзи ҳолатларда ғамгинлик, эзгинлик билан аллақандай кўтаринкилик, завқ қоришиб кетган бахтиёр онанинг гоятда ёқимли

овози янгарди. Эҳтимолки меҳр-муруватнинг зуваласи ғамгинликдан яралгандир. Онанинг овози жуда ёқимли, сирли, синаотли эди. У кишининг аллаларида қандайдир самовий, киши қалбини жунжушга келтирадиган қудрат борлигини мурғак қалбим билан ҳис қилардим. Алла айтган пайтлари беихтиёр, ўзим билмаган ҳолда югуриб бориб онанинг пинжига тиқилардим. Тиззасига бошимни қўйиб йиғлагим келарди. Бўзимга нимадир тиқилиб қоларди. Оҳанг сеҳридан этларим жунжукиб, юрагим ҳарпиқиб кетарди. У фақат кўшиқгина эмас, айна пайтада ифодалаб бўлмас меҳр тўлкини эди. Бу оилага, ҳаётга, фарзандларига муҳаббатнинг тушунтириб бўлмайдиган садоси эди. Алла оҳанглари гоятда сирли, синаотли, жуда ёш бўлишимга қарамасдан бутун вужудимда титроқ уйғотиб, ўзим англамаган эзгуликларга қақираётгандай бўларди. Бу она қалбининг ниҳоси, орзу-армонлари қўшилиб кетган муножоти эди. Айна пайтада, оҳангнинг туб-тубида таърифлаб бўлмас даражадаги муҳаббат, иштиёқ, ишонч ва шижоат ётарди.

Аслини олганда аксарият оналар алла айтаётганида бирон қўшиқни ёйлаб айтмайди. У ўзининг қалб қўшиқини, эзгу овозлари ниҳолларини, мурғаккина бола бахту иқболи билан боғлиқ бўлган ҳиссиётларини куйлайди. Аслида эса оналикнинг буюк чўққиси, такрорланмас намунаси ана шу эди.

Ҳар бир инсон камолотида отанинг ўрни катта. Бироқ у оилани моддий таъминлаш, кам-кўстини тўлдириш, хонадон фаровонлиги, мустақамлиги учун масъул. У куча одами. Она эса аёллик назокати, латофати, муштипарлиги ва меҳр-муҳаббати тими соли. Унда эзгуликлар, садоқат, соғинч ва илҳом мужассам.

Жаҳон адабиётининг мумтоз вакилларидад бири Лев Толстой аёл ва унинг қадрияти хусусида гапирар экан, қуйидагиларни баён этади: "Аёл ва эркекнинг мақсади бир: Худога хизмат қилиш. Аммо ҳар икки жинс вакилларида Худога хизмат қилиш йўллари турлича ва улар аниқ белги-ланган. Шунинг учун ҳар бир жинс ўзига хос йўл билан Худога хизмат қилиши лозим. Аёллар учун энг асосийси ва фақат уларга тегишлиси — болалар туғиш ва уларни бошланғич тарбияси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу ишга ва у билан боғлиқ жараёнларга аёлнинг бор кучи ва эътибо-



ри қаратилиши керак. Аёл эркек киши қиладиган ҳамма ишни бажариши мумкин, лекин эркек аёл қиладиган ишларни қилишга қодир эмас. Шунинг учун ҳам аёл бутун кучини фақат ўзигина бажара оладиган (бола туғиш ва унинг дастлабки тарбияси) ишга тўла сафарбар этмоғи лозим".

Атоқли адиб айна пайтада буюк файласуф эди. У одам ва олам, инсон ва инсоният тақдирини ҳақида чуқур қайғурган, ҳаёт баркамоллиги ва етуқлиги ҳақида нодир тафаккур гавҳарларини мерос қолдирган улўғ инсон эди. Эзувчи Лев Толстой ҳаёт моҳиятини, унинг қадриятини асосларини Аёл ва Она тушунчасида кўради. Уни юксак қадрлаб, шахсий ва ижтимоий моҳиятини очиб беради ва "Болани дунёга келтириш аёл учун ўзидан воз кечишни аналгатади. Аёл ўзида ўзидан воз кечиб маҳоратини тарбиялагани ҳолда уни ҳаётнинг бошқа жараёнларида қўлай олади", дейди. Бу — жуда катта маънавий кудрат, руҳий ирода.

Албатта, ҳар бир даврнинг ўз юки, масъулияти, жавобгарлиги бўлади. Бугуннинг онаси дунё қалқиб турган бир пайтада етти миллиарддан ортқ инсон билан бирга эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, садоқат ва хиёнат орилигига яшамокда. Ер шарини ана шу бир-бирига зид, бир-бирини мавҳ этишга тайёр турган тўғиларнинг маҳобатли рингига айланган. Бундай чуқур драматизм ҳолатида онанинг кечинмаларини, иштиробларини ҳис қилиш қийин эмас. Зотан, она эзгулик, яхшилик, муруватлик, муҳаббат ва бошқа қатор фазилатлар волидаси. Унинг беқиёс тими соли. Она ҳеч қачон фарзанди ёмон бўлишини ҳоқламайди. Онанинг ёмони йўқ. Она, аёл булоқ сувидек пок-иза ва шаффоф, дарёдек шиддатли, уммондек бағрикенг. Бу улўғворлик, майинлик, назокатлик, латофатлик билан уйғунлашиб кетган фазилатнинг туб моҳиятида тоғдек виқор ва абадий орият ётади. Она онамининг гоятда ранг-баранглиги, маҳобатлиги ана шунда. Аёлнинг бутун моҳияти ва қадриятини кучи унинг тириклик ижод-кори, ҳаёт манбаи, яшаш ва улўғ мақсадлар ҳаётининг умргузаронлиқ қилиш кудратиди.

Она миллатнинг таянчи, асоси. У ҳеч қачон айинмайди, зангламайди олтин. Миллий қадриятлар ва ўзига хошлиқнинг бебаҳо гавҳари, юксак ахлоқ, эзгуликлар жавҳари. Миллат она тўфайли мангу яшайди. Авлодлар шажараси у тўфайли давом этади. Миллат шаъни, орияти, гурури тими соли. Она нафасида олам оҳанги, бор-лиқнинг мусиқаси мужассам, унинг илиқ, ёқимли сасида ҳаётбахш куч бор. Биз у орқали, фақат у орқалигина оламни кашф этаемиз, унинг қатларини очамиз. Олам ичра олам бўлиб яшаймиз. Бир лаҳза бўлсада унда узилмаймиз. Ана шунда ўқтам, жасур, ботир, мард ўғлонлар — учқур тулпорлар, қалби меҳрга тўла мушфик, меҳрибон, сувратию сийрати гўзал қизлар — шонли, шараф-

ли, баркамол авлодни дунёга келтиришга умрини бағишлайдиган мўстабар оналар дунёга келади.

Она муҳаббати — бола ҳаёти, бола эҳтиёжларининг нажот манбаи, битмас-туганмас кудрати. Зотан, мурғаккина гўдак, авваламбор, меҳрга, муҳаббатга, эрқалатишларга мойил бўлади. У ички сезим орқали ҳаммадан олдин онани ҳис қилади. Унга соғинч ва интилишларини билдирилмасида, интиқ бўлиб қутади. Унинг илиқ, хузурбахш ҳароратидан, ёқимли ва жонбахш ҳидидан ором олади. Она ва бола ўртасида кўзга кўринмайдиган, қалб ва руҳ билан боғлиқ бўлган алоқа, муносабат шаклланади.

Оналик меҳри, она муҳаббати, фақатгина болага ғамхўрлик ёки жавобгарлиқгина эмас, айна пайтада у ўз оламнинг нақадар улўғвор ва баркамол экани, ҳаёт деган олий қадриятга нур ва тириклик бахш этаётгани тими солидир. Бу муҳаббат бола ҳаётини сақлаб қолиш, унинг бекаму кўст, соғлом ўсиши билан боғлиқ бўлган ва бутун оламага меҳр улашадиган мўъжизага айланади.

Ана шу таъбирий-биологик, маънавий-руҳий ҳолат фарзандга ҳаётга интилиш, яшаш учун кураш, тириклик завқи, ўзининг борлигини ҳис қилиш каби инсоний феъл-атворини шакллантиради, фазилатларини бойитади ва муҳаббат ҳисларини кучайтиради.

Она қалбидан сасида келади: "Сенинг туғилишинг мен учун мўъжиза, буюк саодат! Сенинг дунёга келишинг умримнинг бутунлиги, ҳаётнинг бардавомлиги! Сенинг туғилишинг — менинг мангу барҳаётим!". Бу умидли сас мурғак боланинг шунчаки яшашини эмас, балки ҳаётга чексиз муҳаббатини уйғотади. Бу еру қўқни, осмону заминни — бутун борлиқни қамраб олган меҳр эди. Оламни гўзалликларга, эзгуликларга ўраб олган буюк муҳаббат эди. Ана шу тарзда она инсоният ҳаётини тўхтотмас ҳаракатга келтирувчи илоҳий кудратга айланади.

Она муҳаббати, илиқ меҳри ҳар қандай хавф-хатардан, ҳатто, ўлимдан устун. Она фарзанди учун ҳамма нарсага ҳаммаша тайёр. Жигаргўшаси, бир парча гўшт ҳолидаги поллопони хатар олдида бўлса ҳеч иккиланмай ҳаётнинг барча завқу шафқидан, суруридан иккиланмай воз кечади. Ўзини қурбон қилиб бўлсада фар-

зандини асрайди. Она ана шундай руҳий ва маънавий кудрати билан баъзи ҳолатларда эркеклардан устун турадиган ноёб хилқат. Фарзандини асраб қолиш учун ҳаётидан воз кечидан тоймайидан, қайтмайдиган буюк кудрат тими соли.

Бола вояга етгунча она унинг таянчи, ҳимоячиси, меҳри ва мурувати билан мадад бўлгучи хилқат. Бироқ фарзанди вояга етган ундан узоқлаша она буням шодлик билан кутиб олади. Фарзандини мустақил инсон, ўз тақдирини ўзи белгилашга қодир бўлган одам сифатида кўриб қувонади. Она ва фарзанд ўртасида бундай мустақиллик, алоҳидалик уларнинг ўзаро муҳаббатига путр етказмайди, аксинча, бир-бирдан куч олиб, бир-бирдан рағбатланиб истиқболга қатъий ишонч ва буюк саодат кўзи билан қарашади. Ана шунда она инсоний худбинликдан, манфаатпарастликдан, фарзандига эғалиқдан ўзини устун кўя оладиган етуқ ва баркамол ирода тими солига, фарзанд камолотини рағбатлантирувчи қудратли кучга айланади. Берган меҳр ва муруватларидан натижа кутмасдан унинг камолини тилайди.

Таниқли шоира Шарифа Салимова онанинг меҳрли олами, унинг қалб изтироблари хусусида ўз қалб тугёнлари, оналик ҳисси, майин ва ҳазин кечинмаларидан келиб чиқиб она сувратию сийратини ҳайратланарли даражада бетакрор ифодалайди: "Тоғда бир гиёҳ бор, тунда етилар. У гиёҳ кўп сирли — меҳригиёҳдир. Минг битта дардларга даво бўлар у. Бемор вужудларга мушфик панохдир. Тунда у ўт каби повуллуб ёнар. Зулматни парчалаб, ёғду сочади. У нопок қўлларга ўзни тутқизмас. У мунис дилларга бағрин очади. Аёл ҳам бамисли шу сирли гиёҳ. Сиру синаоти қалбида пинҳон. У улўғ тулпордан қудрат олади. Шунда томир отар, гуллар берар жон. Она шер кудрати унда мужассам: ганим кўзин бир шаҳд ила ўяди. Гўдағи инграса, қалб қони билан миллат жароҳатини боғлаб қўяди. Улўғ момоларини қутлўғ рўмоли артар кўрагидан асрлар доғига. У пок, озгин, нозик қўллари ила ҳеч қимга бермайди миллат байроғин! Унинг алласидан уйғонар дунё: миллат уйғонади, халқ уйғонади. Асрлар кунжида мудраган қарахт улўғ суз уйғонар, қалб уйғонади. У гўё миллионлаб нур қуқунлари: миллат дарди ила қулиб қўяди. У эркин падардек, оғадек суйиб, жониди гўдакдек олиб юради. У — она, у — сабр, у — ишқ, у — вафо, у — табиа, у — ҳабиб, у — бутун бахтир, аёл уйғонамаса, уйғонмас миллат, у тўрт фасл гуллаб турган дарахтдир!"

Она қалби олам оҳанги. У мангу сўнмас, ҳеч қачон тугамайдиган қўшиқ, сирларга, синаотларга тўла тилсимот. Бу оҳангнинг жонбахш ва хузурбахш, гоят ҳароратли куйнинг эса қирралари кўп, жилолари беқиёс. Худди олмос сингари.

Мусиқа санъатида ҳар қандай мўъжизавий куй еттита нотадан яраллади. Она қалби ноталари ҳам худди шундай. Бироқ бу ноталарини ҳар бирида етти минг қочирми, етти минг нола, етти минг хониш, етти минг усул бор. Унда янграган оҳанг бутун борлиқни ўзида ифода этган буюк ва маҳобатли симфония. Унда дунёнинг, серқирра ҳаётнинг биз англаган-англамаган синаотлари мужассам. Гоҳ дилхуш, гоҳ дилхун, баъзан қувнок, баъзан маълум оҳанглари она қалби севинач изтиробларининг акс-садоси. Унда ҳаёт драмаси — бутун фожеасию кулгунлари ўз ифодасини топган. Она симфонияси янграб турар экан, ҳатто, тошга айланган юракларни ларзага солиб, унда эзгу ҳисларни уйғотар экан, ҳаёт абадий ва гўзалдир.

Она симфониясида ҳаётнинг турли-туман оҳанглари, товушлари, ранглари уйғунлашиб кетган. Унда камалак гўзаллиги ва мафтункорлиги мужассам. Ранглари ва оҳанглarning ўзаро бирлаштиридан Она ва Ҳаёт моҳияти, унинг буюк фалсафаси юзага келади.



ҲУҚУҚ ВА БУРЧ



Гулчехра ТҮЛАГАНОВА, Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори.

Саддам ҚОДИРАЛИЕВ, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” қарориди ҳудудлардаги профилактика инспекторлари олдида ҳуқуқбузарликларни қамалтириш борасида аниқ мақсад ва вазифа қўйилди.

Туман ва шаҳар ҳокимлари энди профилактика инспектори билан яқин ҳамкорлик қилади, инспекторлар ўз фаолияти ҳақида ҳисобот бериб боради. Бундан ташқари, маҳалла ва қишлоқларда Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилади. Туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар ойда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспектори билан шахсан учрашади, улар бирга ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўради. Бу пухта ўйлаб қабул қилинган қарор. Чунки туман ҳокими агар ҳар бир маҳаллада аниқланган муаммолардан мунтазам хабардор бўлиб турса, уни тежорлик билан ҳал қилиш имконияти яратилади, пировардида, аҳоли бундан рози бўлади.



Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашиларига ҳар ярим йилда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспекторининг ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати бўйича тақдим этадиган ҳисоботи, ўз навбатида, улар маъсулиятини янада оширади. «Хавфсиз хонадон» ва «Хавфсиз ҳовли» тизими асосида фаолият юритиши уларга ўз ҳудудидаги ҳар бир оила ва хонадон муҳитини чуқур ўрганиш, ҳар бир фуқаро билан индивидуал ишлаш, жиноятчиликни олдини олишга имконият яратадиган, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг туман (шаҳар) ҳокимлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлайди.

Қарорда Ички ишлар ва Халқ таълими вазирлиқларига «Хавфсиз таълим муассасаси» тамойили асосида вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича манзилли чора-тадбирлар кўриш вазифаси белгиланган. Туман (шаҳар) ички ишлар органлари тарихида вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ

ВАКОЛАТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

лавозими жорий этилади ва улар бевосита умумий ўрта таълим муассасаларида фаолият юритади. Инспектор-психолог умумий ўрта таълим муассасасида ҳар бир ўқувчи билан индивидуал тарзда ишлайди, уларда қонун бузилиши ҳолатларига муросасиз муносабат ҳиссини шакллантиради, муаммолни ўқувчилар билан яшаш жойида ота-онаси иштирокида манзилли иш олиб боради, психолог муҳитини яхшилайди.

Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” қарориди қарорига илова тариқасида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида Низом ҳам қабул қилинди. Низомдан жиноятларни аниқлаш ва фош этиш, суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни қидириш бўйича тежор-қидирув тадбирларини амалга оширишга қўмаклашиш, «жиноят ўчоқлари» ҳисобланган жойларда пиёда, моточ ва автопатруль йўналишларини ташкил этиш, пробация назоратидаги шахсларнинг ўрна-тилган чекловларга риоя этишини улуқсиз текшириш, содир этилган жиноятларни «со-вумай» туриб фош этиш бўйича дастлабки зарур тадбирларни ташкил этиш, фуқаролар шахсини аниқлаш чораларини кўриш, «Фи-

дкор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳи аъзоларидан иборат патруль йўналишларини ташкил этиш каби бир қанча йўналишлар ўрин олган. Шу ўринда ҳорижда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қандай тажриба-лар мавжуд, деган савол туғилиши табиий. Аксарият ҳорижий мамлакатларда жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини муво-фиқлаштириш учун махсус органлар, миллий кенгашлар ташкил этилган. Масалан, Буюк Британия, Германия каби давлатлар тажрибаси ҳуқуқбузарликлар профилактика-си фақат кенг қамровда ташкил этилган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, унга кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари, илмий-тадқиқот институтлари, қонун чиқарувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш ва соҳа мутахассисларини масофавий ўқи-тишдан иборат.

Буюк Британияда жиноят хавфсизлиги учун минимал стандартлар ишлаб чиқилган, жамоатчиликнинг полиция билан ҳамкорли-ги кенг йўлга қўйилган. Фарбий Европа ва АҚШда кенг жамоатчилик учун “Узингини, оилангини, уйингни ва мулкингни” шиорини

тажовуздан ҳимоя қилинг” мавзусида ҳам ўқув, ҳам оммабоп қўлланма ва дарсликлар чоп этилган.

Жиноий ишларда жабрланувчи ва гу-воҳларни ҳимоя қилишга доир дастурлар жорий этилган. Барча таълим муассасалари – бошланғич мактабдан университетларгача амалий дарслар ўтилади. Қизқувчилар на-фақат марзуза тингашлари, балки махсус тайёрларидан ўтишлари мумкин. Ўзини ҳимоя қилиш техникаси ва экстремал вазии-ятларда мақбул хатти-ҳаракатлар учун кў-никмалар ҳосил қилинади.

Хориж тажрибаси ва амалиёти кўп қа-ватли уйларда ўғирлик кам қаватли уйларга нисбатан етти марта кўп қайд этилаётгани-ни, жиноятчиликнинг олдини олиш самара-дорлигини оширишда, айниқса, или-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш мумкин аҳамият касб этаётганини кўрсатмоқда. Бу, айниқса, транспорт воситалари, дори-дар-монлар, қурол-яроғлар ҳаракатланишини назорат қилиш учун лазер ва бошқа оптик асбоблардан кенг фойдаланиш, жиноятнинг ўзига хос белгилари ва жиноятчи портрети-ни тузиш усулларини такомиллаштиришда қўл келади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқбузарлик-лар профилактикасини амалга ошириш нафақат муайян давлат органи, балки кенг жамоатчилик, жумладан, жамият ҳар бир аъсосининг вазифасидир.

ТАШАБУСДАН НАТИЖАДОРЛИК САРИ



ПИСКЕНТ ТАЖРИБАСИ:

“МАҲАЛЛАБАЙ” ТИЗИМДА МУАММОЛАР НЕГИЗИ БИЛАН ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Улуғбек АСРОРОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун ҳар бир туман ва шаҳарда, қишлоғу маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бу масалага ҳудуд имкониятлари, табиат талаби, одамлар эҳтиёжи ҳисобга олинди, турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, тегили қишлоқларда, иқлим шароитидан келиб чиқиб, аҳолини банд қилишнинг ўзига хос йўли – чорвачилик, боғдорчилик, туризмни ривожлантириш каби йўналишлар танланади. Водийда, дашт ва чўл ҳудудларда яна ўзгача. Бу борада Тошкент вилояти Пискент туманида ҳам ўзига хос тажриба шаклланди.

Пискент туманида янги тизим асосида қилинаётган ишлар бугун бошқа ҳудудларга ҳам ўрнак бўлиши мумкин.



Раҳимжон РИХСИЕВ, Пискент тумани ҳоқими:

— “Маҳаллабай” ишлаш учун оилалардаги мавжуд муаммоларни урганиш ва бартараф этиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган манзилли ишларни ташкил этиш мақсадида, биринчи навбатда, туман секторлари ва тижорат банклари раҳбар ва ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Улар тумандаги 29 та маҳаллани жойига чиқиб ўрганди, мавжуд имкониятлар ва фойдаланилмаётган захиралар таҳлил қилинди, маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, яъни “ўсishi нуқталари” аниқлаб олинди.

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар билан юзма-юз суҳбатларда уларни қўлайлиқ билан муаммолар, мавжуд камчиликлардан аниқлаб, ечимига эътибор қаратилмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш, камбағалликдан чиқаришга реал ёндашувни жорий қилдик. Масалан, “Ғайрат” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 316 хонадонда 1816 фуқаро истиқомат қилади. Уларнинг 1015 нафари меҳнатга лаёқатли ҳисобланса-да, ишсизлик даражаси юқори. Бу ерда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 757 нафари доимий иш билан банд қилинган, 258 нафари эса вақтинча ишсиз эди. “Маҳаллабай” олиб борилган ишлар натижасида уларнинг 124 нафари ишли бўлди.

Аҳоли бандлигини таъминлашда тез натижа берадиган йўналишларга эътибор қаратялмиш. Масалан, товуқ, қўён боқиш, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, савдо дўкони

очиш, иссиқхона қуриш каби тадбиркорлик йўналиши тезда фойда келтириши бошлайди.

Уйма-уй юриб, одамлар билан суҳбатлашганимизда кўп нарсалар ойдинлашди. Кимдир тадбиркорлик қилишни истайди — қўлида хунари бор, ҳовлисида жой тайёр, лекин маблағи йўқ, Кимга мурожаат қилишни, қандай йўл тутишни билмасдан бекор қорибди. “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган.

Урганишларимиз натижасида шундай фуқаролардан 2 нафарига сартарошхона, 3 нафарига пойабзал таъмирлаш устaxonаси очилишига кўмаклашилди, 2 та савдо дўкони ўз фаолиятини бошлади. Халқимиз меҳнаткаш, ердан фойдаланиши сирларини яхши билади. Шунинг эътиборига олиб, яқинда 11 нафар ёш йигит ва 22 нафар хотин-қизга ер ажратиб бердик. Бугун улар деҳқончиликни бошлаб юборган.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” давлат дастури доирасида ишсиз 14 фуқарога 350 миллион сўм миқдорда кредитлар берилди ва улар яқна тартибда тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлади.

Қолган ишсиз фуқаролар билан ҳам яқнама-яқна суҳбатлашилди. Пировадидида қурилиши соҳасида малакага эга бўлган ҳамда ишлаш истагини билдирган 35 фуқаро қурилиш ташкилотларига бириктирилди, 24 фуқаро имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлигини бошлади. Бундан

ташқари, 75 фуқаро имтиёзли кредит сўраган. Уларнинг 45 нафари маҳалладаги 40 гектар майдонда иссиқхона қуриш, 18 нафари тикувчилик, 12 нафари паррандачилик билан шуғулланиш истагини билдирган. Шу кунларда уларга кредит ҳужжатлари расмийлаштирилмоқда.

Албатта, тадбиркор бўлиш учун билим ва тажриба талаб қилинади. Биз шу жиҳатга ҳам эътибор қаратдик. Масалан, имтиёзли кредит асосида паррандачилик билан шуғулланаётган фуқароларга тадбиркор Омина Каримова парранда боқиш сир-асоратларини ўргатмоқда. Шунингдек, бу тадбиркоримиз хонадонларда йиғилган тухумни марказлашган ҳолда сотиб олишни ҳам йўлга қўйган.

ҲАМ МАҲАЛЛАДА ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБА ВА КўНИКМА БОР

Тумандаги “Ғайрат” МФЙ аҳолиси азал-азалдан томорқада қулупнай ва помидор етиштириш билан шуғулланиб келади. Шундан келиб чиқиб, аҳолининг кўникма ва тажрибаларига таянган ҳолда, ушбу ҳудуддаги қишлоқ хўжалигида самарасиз фойдаланиб келинаётган 40 гектар ер майдонидан қулупнай ва помидор етиштириш мақсадида иссиқхона қуриш учун 10 гектардан, узумзор барпо қилиш учун эса 20 гектар ер 300 та хонадонга ижара

асосида ажратиб берилдиган бўлди.

Натижада ишсиз 260 га яқин фуқародан 170 нафари шу ер майдонидан фойдаланган ҳолда ўзини ўзи банд қилиш таклифига розилик билдирди.

“Ғайрат” МФЙ туман марказига яқин жойлашган. Бу ҳам маҳаллани янада обод қилиш имконини кенгайтиради. Туман аҳолисининг уй-жойга бўлган талабини инобатга олган ҳолда маҳалла ҳудудида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаган келинаётган 19 гектар ер майдонида жами 200 хонадонли 10 та кўп қаватли уй қуришга киришилди. Бунда Президентимизнинг 2019 йил 10 январдаги “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асос бўлди.

Бу билан ҳам туман маркази кенгайтирилди, ҳам маҳалла инфратузилмаси яхшиланди, ҳам юзга яқин фуқаро вақтинча бўлса-да, қурилиш ишларига жалб қилиниб, ойлик маошга эга бўлади.

ПИСКЕНТДА КРЕДИТНИ СОДДА ЙЎЛ БИЛАН АЖРАТИШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН

Туманда тадбиркорликни бошлаш, ўз томорқасидан самарали фойдаланиш истагидаги фуқароларга кредитни энг содда йўл билан ажратиш тизими йўлга қўйилган.

— Ишсизлигим учун “Ёшлар дафтари”га киритилган эдим, — дейди “Ойбек” маҳалласида яшовчи Санжар Султонқолов. — Эҳтиёжман бўлиб яшашни эмас, тадбиркор бўлишни истаётман. Шунинг учун туман ҳокимлигига бордим. Ҳоким зотдор қўён боқишни тавсия қилди. Январ ойида “Микрокредитбанк”дан 4 кун ичида 30 миллион сўм имтиёзли кредит олдим. Олган 50 қўёним бир ойда 90 тага етди. Қўён етти хазинанинг бири, жуда тез қўпар экан. Қўни кеча яна ҳоким қабулига бориб, энди қўёнчилик фермаси ташкил қилмоқчиман, дедим. Ҳокимга лойиҳам ёқди, қўллаб-қувватлади. “Лола арик”

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 8 апрель куни ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида: “Биз қанчалик кўп маблағ бермайлик, фармон-қарорлар қабул қилиб, шароит яратмайлик, қўй поғонадаги раҳбарлар дунёқарашини ўзгартириб, тадбиркор билан дўст бўлиб ишламаса, натижа бўлмайди”, деган эди. Ҳақ гап. Шароит, имконият бор, ҳуқуқий асослар, маблағ етарли, шунга яраша натижа ҳам бўлиши керак. Пискентликлар буён ана шу тамойилга асосланиб меҳнат қилмоқда. Натижалар ҳам шунга яраша.

ТЕЗ ВА СОДДА УСУЛ БИЛАН КАМБАҒАЛЛИКДАН ЧИҚИШ ЙЎЛИ

Пискентда йирик завод-фабрикалар йўқ. Лекин борган одам бу ерни Хитойга ўхшатади. Чунки Пискентликлар миришкор, тадбиркор келади, ҳар бир хонадонда нимадир етиштирилади, бирон махсулот тайёрланади. Масалан, бир сотих жойда ҳам боғдорчилик, ҳам деҳқончилик қилинади. Косиблик, тикувчилик каби хунарлар яхши ривожланган. Аҳолининг сурув-сурув қўй-эчкиси бўлмаса-да, томорқада чорва билан шуғулланишнинг ҳадисини олган. Айрим маҳаллаларда етиштирилган узумлар Паркентниқидан сира қолишмайди.

Албатта, ҳаёт тўқис эмас. Камчиликсиз, муаммосиз кун кечириш қийин. Шундай чоғда ортинғизда қўллаб-қувватлаб тургувчи давлатнинг бўлса, кўнгил хотиржам яшайсиз, мақсадга эришиш йўлига ўтасиз, интилиш кучади.

Ўртимиздаги исплохотлар шу йўлда халқимизга катта куч-ғайрат, юксак ишонч бермоқда. Тўрт йилдан ошдики, мамлакатда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш, соғлигини сақлаш, таълим-тарбия бериш масалалари кун тартибидан тушгани йўқ. Ҳаётга янги тизимлар жорий этилмоқда. Улардан бири “маҳаллабай” тизимида ишлаш механизми. Мақсад — мамлакатда камбағалликни тугатиш.

ХОТИРА БОР ЭКАН — МИЛЛАТ БАРҲАЁТ

ТАРИХ САҲИФАЛАРИГА БИТИЛГАН МАРДЛИК ВА МАТОНАТ

Бошланиш 1-бетда

ёш авлодни аждодлар жасоратига садоқат руҳида тарбиялашга ундайд

Ҳамон орамизда қанчадан-қанча уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат-машаққат чекканлар бор. Ўтганларни хотирлаш, сафимизда юрганларнинг эса қадрига етиш керак. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Хотира ва қадрлаш кўнига тайёрларлик қўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг эълон қилиниши юртимизда истиқомат қилаётган кекса авлод вакиллари, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига бўлган юксак эътибор ва гамҳўрликнинг ёрқин далили бўлди.

Қайд этиш жоизки, ўтган қисқа даврда кекса авлод вакиллари давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини бепул озиқ-овқат махсулотлари, зарур кийим-кечак ва пойабзаллар ҳамда гигиена воситалари билан таъминлаб бориш тартиби жорий этилди.

Фармонда 1941 – 1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига 12 миллион сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти бериш кўзда тутилган. Ушбу пул мукофотлари уруш қатнашчилари ва ногиронларига карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда байрамона тарзда топширилади.

Ҳужжатда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб тайёрланган Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жағмармаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг иш режаларига мувофиқ



Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийларини, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оила аъзоларини моддий-маънавий рағбатлантириш тадбирлари ҳам амалга оширилди.

Байрам муносабати билан “Дори-дармон” акциядорлик компанияси томонидан “Нуруний” жағмармаси Республика Бошқарувида мурувват ёрдами сифатида берилиши кўзда тутилган 2000 дон дори-дармон аптекалари Республиканинг турли ҳудудларида яшаб турган но-

гиронлар, ёлғиз кексалар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларига етказиб берилди. Шунингдек, Нурунийлар жамоатчилиги Кенгashi аъзолари ҳамда маҳалла фаоллари ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти

меҳнат фахрийлари ва ёшларнинг пойтахтимиздаги “Ғалаба боғи”, вилоятлардаги “Ватанпарварлар боғи”, “Хотира” мажмуаларига ташрифлари ташкил этилади. Шаҳримиздаги “Шон-шараф” музейида ёшларни ватанпарварлик ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга йўналтирилган маънавий-маърифий тадбирлар ташкил қилинади. Тадбир иштирокчилари пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларининг энг муқаддас қадамжосига айланган улуғрун “Ғалаба боғи”даги “Шон-шараф” музейи ҳамда ҳамюртларимизни қонли жанглардаги мардлигини, фронт ортидаги машаққатли меҳнати ва фидойилигини акс эттиришга бағишланган кенг кўламадаги тарихий-бадий экспозициялар билан таништириш режалаштирилган.

Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик Кенгаши аъзолари, жағмарма фаоллари ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг худудий бошқармалари билан ҳамкорликда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда нурунийларнинг билим ва бой ҳаётий тажрибасидан кенг тарғиб этиш мақсадида округ ва ҳарбий қисмларда жамоатчилик вакиллари ҳамда танкили адабиёт, санъат ва маданият намояндalari билан икки авлод ўрашувлари карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтказилди.

Инсон бор экан, хотира — муқаддас. Ҳеч ким, ҳеч нарса эсдан чиқмайди. Халқ бугунги тинч-хотиржам замонни асраб-авайлаш, қадрига етиш учун ҳам урушни, унинг қаҳрамонларини, ғалабага муносиват ҳисса қўшган ҳеч бир кишини хотира-сидан фориқ қилмайди.

МУНОСАБАТ

УЛУҒ ЗОТГА МУНОСИЪ МАСКАН



Содиқ ТОШБОЕВ, Вази́рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси

Илм-фан — инсон камолотига пойдевор. Маърифат ва маънавият эса баркамоллик устунларидир. Зеро, қадим Шарқда таълим ва тарбия ҳеч вақт айро ёки бири киниксидан устун баҳоланмаган. Бу эса дунё тамаддунига тамал тошларини қўйган Имом Бухорий, Хоразмий, Имом Насафий, Фарғоний каби не-не доврғи дунёга дoston улғ қомусий алломаларнинг бебаҳо меросида ҳам намоён.

муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган".

Дарҳақиқат, Имом Бухорийнинг башарият учун қолдирган бой маънавий-илмий мероси юксак эътирофга лойиқ. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида аллома номига муносиб маҳобат касб этакидан ёдгорлик мажмуасининг қурилиш ишларини бошлаб берди. Шубҳасиз, бу маскан юртимиз, хусусан, Самарқанднинг, қолаверса бутун дунёнинг энг гўзал ғўшаси, минтақанинг Тож Маҳали бўлишига ишончимиз комил.

Бу ўз навбатида, ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни, хусусан, буюк аллома ва улаомларимиз, айниқса, Имом Бухорийнинг бебаҳо меросини кенг қўламада оммалаштириш ва тарғиб қилиш тенденциясини янги босқичга олиб чиқишда асосий омил бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон тарихий қадамжолари қўлги буйича дунёдаги етакчи унта мамлакатдан бири ҳисобланади. Ана шу жиҳатдан, юртимизда зиёрат туризмни ривожлантириш буйича кенг имкониятлар мавжуд. Ишонаманки, маъруз мажмуага дунёнинг турли мамлакатларидан минглаб, миллионлаб сайёҳлар ташриф буюради, том маънода улғ бобомизнинг маънавий қувватлари мусулмон мамлакатлари зиёратчиларини доимо ўзига тортиб туради.

Кези келганда, юртимиз азалдан маърифат маркази сифатида танилганини қайд этиш лозим. Шу боис, бугунги кунда илмий-маърифий марказлар ҳам ташкил этилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳрида қўп асрлик маърифат хазинасини ўзига муҳасам аздаган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Илм-маърифат маркази маркази қад рoстлaяпти. Шунингдек, кейинги уч-тўрт йил оралиғида Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий ва Тошкент шаҳрида Имом Мотуридий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирда ушбу илмий марказларда аниқ фанлар қаторида Ҳадис, Қалом, Ақида, Тасаввуф, Фихқ каби илмлар буйича чуқур тадқиқот ва

изланишлар олиб борилмоқда. Бухородаги Мир Араб олий мадрасаси, Тошкент ислом институти ва Самарқанддаги Ҳадис илми мактаби сингари олий ўқув юртларида ҳам етук малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Ўзбекистон халқаро Илм-маърифат маркази ҳам бу борода ўз олдига қатор эзгу мақсадлар қўйгани қувонарли.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Имом Бухорий мажмуасини кенгайтириш буйича бошланган бу қадамлар соҳадаги ислохотларнинг узвий давомидир. Таъкидланганидек, мажмуа атрофи ободонлаштирилади, бу ерга ташриф буюрувчи зиёратчиларга барча қўлайликлар яратилади. Ишга тушгач, шубҳасиз, Имом Бухорий бобомизнинг меросларини халқимиз, айниқса, ёшларимизга етказишда мажмуанинг ўрни гоят катта бўлади. Президентимиз: "Бугун бу тўғри таълимотни ёшлар ўрганса, адашганлар бўлмайди, нотўғри йўлга кириб кетмайди. Шунинг учун Имом Бухорий бобомиз тўғрисида оммабоп, кичик ҳажмли китоблар ёзиб, элга, айниқса, ёшларга тарқатиш керак", дея бу бордаги ишларни янада жадаллаштириш лозимлигини алоҳида қайд этди.

Бугунги глобаллашув даврида илм-маърифат барча масаллага ягона ечимдир. Зеро, аждодларимиз ҳам илм билан нажот топдилар, жаҳолатга қарши маърифат билан курашди, илмни нажот билиб, барчани унга даъват қилди. Шундай экан, олдимизда турган энг асосий вазифалардан бири — улғ аждодимизнинг бой илмий меросини содда, тушунарли, халқчил тарзда ёзилган китоблар орқали аҳоли, хусусан, ёшларга етказишдир.

Умуман, Ўзбекистон минг йиллар давомида Буюк Ипақ йўлининг муҳим қисми бўлиб келган. Бу ерда савдо-сотик, илм-фан, маданият, маърифат марказлари ҳаммиса тараққий этган. Бугунги кунда давлатимиз раҳбари томонидан диний-маърифат соҳада олиб борилаётган эзгу ташаббуслар ҳам том маънода дунё мамлакатларида тинчлик, осойишталик ва барқарорлик ҳамда маърифий тарқатишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Розмет МАХМУДОВ, педагогика фанлари доктори, профессор



Ҳаним ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Иккинчи жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг даҳшатли қирғинбарот ҳисобланади. Йиллар ўтиши билан унинг жароҳати эсдан чиқиш ўрнига инсонлар хотирасида, сабоқлари дунёда янада чуқурроқ аҳамият касб этиб бормоқда. Президентимизнинг кунги кеча қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги фармони ҳамда "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини урушда халок бўлганлар хотирасини абадийлаштириш, бугун ҳам сафларимизда туриб Ватанимиз обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларни эъзозлаш борасида кўрсатилаётган эътиборнинг юксак намунаси, дейиш мумкин.

БУЮК ХАЛҚЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ

Шу ўринда Президентимизнинг 2019 йилда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқидаги мана бу сўзларни келтириб ўтиш жоиз: "Буюк ғалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорат ва матонатини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бу ҳақда янги илмий тадқиқотлар, бадиий асарлар, кинофильм ва спектакллар яратишимиз керак. Ёшларимиз қилларинг жасорати туфайли қариб 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва бахтли замонада яшашганимизни билиши ва бунинг қадрига етиши зарур".

СУРОНЛИ ЙИЛЛАР ВА ЖАСУР ҚАҲРАМОНЛАР

Маълумотларга кўра Иккинчи жаҳон урушининг биринчи кунидан бошлаб ўзбек ўғлонлари жангларда фаол иштирок этишди. Масалан, Брест қалъасининг 50 дан ортик миллатта мансуб аскарлари орасида Дончёр Абдуллаев, Бобохалил Ҳошимов, Аҳмад Алиев, Нурум Сиддиқов, Узоқ Отаев ва хали бизнома номлари номаълум ватандошларимиз бўлишган.

Смоленск, Одесса, Севастополь ва бошқа шаҳарлар мудофеасида катнашган ўзбек жангчилари Омон Умаров ҳамда сапёрлар ротаси командири Ҳамза Зарипов ҳақиқий жасорат эгалари ҳисобланишди. Омон Умаровнинг кичик ҳарбий бўлинмаси Одесса шаҳри ёнида фашистлар аэродромига қўқисдан ҳужум уюштириб, 16 та самолёт ва 30 та автомашинани яқсон қилади. Ҳамза Зариповнинг ротаси эса миналаштирилган йўлда фашистларнинг 27 та танки ва 13 та бронетранспортёрини сафдан чиқаради. Уруш фақат жасоратлардан эмас, асоратлардан ҳам иборат.

ТИРИК ТАРИХЛАРИМИЗ

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, уруш азобини умрининг сўнгги кунигача тортган, уруш тўғрисида сўрасангиз гапиришни истаман, истанган вақтда контузия туфайли хотираси панд

берган, 1939 йилда Финляндия урушига кетиб, 1945 йил баҳорда қаттиқ жароҳат билан ватанига қайтиб келган оддий аскар Мурот Махмудов бир воқеани айтиб бергани ёдимга тушди.

"Беларусь ўрмонида, ботмиқда уч кеча-кундуз ўқумасдан юрдик, устимиздаги шинеллар ҳўл, қўлимизда пулемёт. Шу аснода қисман дам олишга руҳсат берилди, — деб эслagan эди отахон. — Оқ қайин шох-шаббаларини тағимизга ташлаб, амаллаб ботқоққа ботмаслик иложини қилиб ётдик. Ботқоқ устида қанча ётанамизни билмаймиз, "турилсин" деган буйруқ бўлди. Танамиз сувга ботган жойига оппоқ бўлиб, униқиб кетибди, ўша жойини чимчиласанг, ушла-санг, сезмайсан. Инсон уруш ўчоғига қанча чуқур кириб борар экан, дийдаси қотиб кетар, йинги йўқлар, ҳозиргина олдидан турган ҳамроҳининг жасадини кўрасан.

Очликдан ҳам уйқусизлик даҳшат экан. Очлик бир томонда, уйқусизлик бир томонда, ўлим ҳавфи бир томонда, буйруқ бир томонда, уйлаб кўринг, шунинг учун ҳам урушининг ҳар бир қатнашчиси унинг ҳар бир кунини даҳшат билан эслайдди".

Уруш бир томондан, ҳар бир аскарни жасоратга чорласа, бошқа томондан, ватан учун кураш ҳиссини қучайтириб, масъулиятни, жа-вобгарлиқни оширади. Уруш даврида ўзбекистонликларнинг 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Уларнинг ҳар бирини олтин ҳарфлар билан тарих саҳифаларига ёзиб қўйсақ арзийди. Бу қаҳрамонлар сафида бир неча генерал ҳам бор.

ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ТАРИХИЙ АДЛАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил Наманган вилоятига ташрифи давомида бундай деган эди: "Шафқатсиз фашизм билан курашда уруш майдонларида қолиб кетган буюк боболаримиз бор. Шуларнинг ичидан генерал Собир Раҳимовнинг номи эсламай ҳам қўйдик. Мана



26 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ МУҲАММАД ЮСУФ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

БУ ЁРУҒ ДУНЁДА ЎЧМАС ЧИРОҒИМ...

"Ёшлик" журналининг 1988 йил 3-сонини қўздан кечираётгани, Афғонистонда халок бўлган ўзбек ўғлонлари хотирасига бағишланган бир шеър эътиборини тортди. У пайтлар ҳали қўшни мамлакатда жанглар давом этаётган таҳликали бир палла эди. Тенгдошларим орасида ҳам ўша уруш ноғиронлари пайдо бўлган, ён қўшнимиз, яқин ўртоғимни эса уйига қайтишга санокли қунлар қолганида темир тобутда жасадини келтириб дафн этишганди.



Муҳаммад Юсуф

Шу сабабдан, энг муҳими, шеърнинг мазмун-моҳияти юксак даражада бўлганидан ҳали эскириб ултурмаган дардли хотираларини ёдга солиб, қалбимни ларзага келтирди. Содда тилда ёзилган, руҳиятини титратиб юборадиган раван шеърий сатрлар ёдимда қолди. Ҳатто шеърни оҳангга солиб қўйлаш қўлимдан келмаганига афсусланганим ҳамон ёдимда.

"Армон" деб номланган бу шеър муаллиғи Муҳаммад Юсуф эди. Ҳарбийга кетганимга қадар шoir иқоди билан танишганимни хотирлай олайман. Аммо ушбу бағишлов марсиясидан бошлаб мен Муҳаммад Юсуф шеърларини ўзгача қизиқиш билан кутадиган, қузатиб борадиган бир мухлисига айландим.

1989 йил ёзида Булғунур туманида ўқув амалиётини ўтарганимиз, ҳамкурс талабалардан бири "Ёшлик" журналининг

1988 йилдаги 11-сонини олиб келди. Журналдаги Муҳаммад Юсуфнинг "Қора кўёш" достони барчага бирдек манзур бўлган, иқтидорли ижодкор ёшларнинг сеvimли шoирига айланиб улғурган эди.

Бундан анча йиллар муқаддам, 1991 йилнинг март ойида Самарқанд қишлоқ хўжалик институтида бўлиб ўтган адабий кеча ҳали ҳам кўз ўнгимда. Унда таниқли шoirлар, устоз ҳамда шоғирдрлар қаторида Муҳаммад Юсуф ҳам иштирок этган эди. Ушундан унинг она Ватанга, бу заминнинг мафтункор табиятино захматкаш халқига меҳр-муҳаббат билан йўғрилган шеърлари барчанинг олқишига сазовор бўлди. Тадбир поёнига етаётганига қарамай, ёшлардан иборат кеча аҳли яна Муҳаммад Юсуф шеърларидан эшитиш истagini билдира бошлади. Шунда дом-лаларимиздан бири: "Меҳмонларни тинч

қўйинлар", деган маънода бизларга тан-бех берди. Бу сўзлар қулоғига чалинган шoir, кулимсираганча ўрндан қўзгалди. — Мен бу ерда оддий бир меҳмон эмас-ман, — деди Муҳаммад Юсуф овоз қучай-тирилги ёнига яқинлашаркан, ҳамон ўша минтабасум билан, — мен Самарқандга кўевман. Шундай бўлган, самарқандлик-ларга қайта ва қайта шеър ўқиш, менга огирлик қилмайди...

Институтнинг мухташам мажлислар биноси, яна шoir шеърларига ёғилган олқишлардан ларзага кела бошлади.

2001 йилнинг баҳоридан ишдан қайта-ётиб, вилоят марказидаги бекатлардан бирида турли майда-чўдилар билан савдо қилаётган аёл олдидаги китоблар орасида Муҳаммад Юсуфнинг "Сайланма"сини кўриб қолдим. Китобнинг босмадан чиққанига ҳали унча кўп бўлмаган, аммо тўлма-қўл қўлаверганидан оҳори анча қўйилди, титилди қолганди. Бунинг устига, опахон тўплагма салмоқдоргина нарх қўйиб, "олсангиз шу", дея туриб олди. Уша йиллари расталарда Муҳаммад Юсуф китобларини топиш амримаҳол эди. Шу сабаб, чўнтакнинг баракаси кетса-да, китобни сотиб олдим ва киракаш машинада кетишдан умид узиб, темирйул бекатига йўл олдим. Шохбекатда нуруний бир кекса ошми қўлимдаги китобни қўздан ке-чириш учун бериб туришимни сўради. Поезд

жўнашига ҳали барвақтлиги учун, чекка-роқдаги уриндиклар томон юрдик. Отаҳон Косон туманидан бўлиб, ўқитувчиликдан нафақага чиққан, ёшлари етмишда экан.

— Бу шoir йигит ўн йиллар аввал Аб-дуллажонга ҳамроҳ бўлиб биз томонларга келган, Қўнғиртоққа чиқишганди, — деди отаҳон китоб саҳифасидаги муаллиф суратига ишора қилиб. — Кўпчилик эди улар, ҳаммалари шoir ва ёзувчилар. Ай-ниқса, улғў олим Озод Шарафиддиновнинг ташрифи... — домла ҳақида алоҳида эҳти-ром билан сўзларди муйсафиди. — Бутун эп улари кутгани кўчаларга чиқишган...

Уша кун, узоқ йиллар ёш авлодга ма-темуатикдан сабоқ берган кекса, сойиб муаллим ва мен кўёш уфқга бош қўйи-гунга қадар ақли адабиёт ҳақида, шунингдек, Муҳаммад Юсуф шеърятини ҳақида фикр алмашиб, баҳслашиб, поездан қолиб ке-тишимизга бир баҳа қолганди.

Бир неча кундан кейин китобни иш-хонага олиб бордим. Дам олиш соатларида ҳамкасбларимга Муҳаммад Юсуф шеър-ларидан ўқиб берардим. Шунда баъзи кит-об ўқиш деса кўнгли озадиган, чаланироқ ходимлар ҳам, қулоғига шoir ашёрларидан бир неча сатр эшитилиб қолса, бе-ихтиёр кулоқ тутар, сўнгра, ёнимга келиб, яна бошқалардан ўқишимни илтимос қилар, кейин китобни бериб туришимни сўрашарди. Ушунда билганман сўзинг

сехри-қудратини, ҳақиқий шеърят жози-басини.

Ҳа, Муҳаммад Юсуф халқимизнинг юрагидан жой олган, эли суйиб ардоқла-ган, эрка ва камтарин шoirи эди. Адаби-ётшунос Озод Шарафиддинов таъкидла-ганидек, Муҳаммад Юсуф шеърларини ўқиган кўпчилик: "Э осон экан-ку шеър ёзиш, бундан қичди мен ҳам ёзиб ташлай-вераман-да", дея қўлига қалам олиши, шубҳасиз. "Қани, ёзиб кўринг-чи", деган-дилар домла шoirнинг шеърларига юксак баҳо бериб.

Дарҳақиқат, Муҳаммад Юсуф оддийги-на сўзлардан мудроқ қалбларни уйғотиб, тўлқинлантира оладиган сўзлар шодасини туза олар, ўзбекнинг дардини, сеvimсини, аламларини шундай соддалик, самими-лик ва бегуборлик билан бита олар эди.

Албатта, шoirнинг бир мухлиси си-фатида унинг шеърларини таҳлил қилиш, ижодиға баҳо бериш фикридан йироқман. Шундай бўлса-да, назаримда Муҳаммад Юсуф нисбатан қисқа умри давомида гоят барқалби иқоди билан ўз номини Шарқ-нинг буюк алломалари қаторида абадиёт-га муҳрлаб кетганига шубҳам йўқ.

Ўзбек халқи Муҳаммад Юсуф шеър-ияти билан ҳақли равишда фахрланса арзийди. Бу шеърятда миллий ифтиҳор ва гурур, ўз халқига, тугилиб усган юрти-га, унинг табиятига "ҳеч бир иддасоис" чексиз муҳаббат барқ уриб туради. Шoir шеърятини абадиётга даҳлдор, улмас шеър-иятидир.

Аброр АСРОПОВ

Китоб тумани

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти) ДУК
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1345.
79778 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Исमत Худоевров
Мусаҳҳи: Асолат Аҳмадулова
Дизайнер: Зафар Бакиров
Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбучтилар кўчаси, 32-уй
ЎзА яқуна — 22.45 Топшириқди — 00.45